

Ҳақиқий таваккул | Сийрат дарслари (341-дарс)



19:00 / 15.08.2025 1367

724. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Кучли мўмин кучсиз мўминдан кўра яхшироқ ва Аллоҳга сеvimлироқдир. Ҳаммаси ҳам яхши. Ўзингга манфаат берадиган нарсага ҳарис бўл. Аллоҳдан ёрдам сўра ва ожиз бўлма. Агар сенга мусибат етса, «Агар ундай қилганимда, бундай қилганимда», дема. Лекин «Аллоҳ тақдир қилди ва истаганини қилди», дегин. Албатта, «агар» шайтоннинг амалини очади».**

Муслим ривоят қилган.

725. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Аллоҳ халойиқнинг тақдирини осмонлару ерни халқ қилишидан эллик минг йил олдин ёзди», «Ва Арши сув устида эди»,** деяётганларини эшитдим».

Муслим ривоят қилган.

726. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким мусулмон бўлиб, етарлича ризқлантирилса ва Аллоҳ уни Ўзи берган нарсага қаноатлантирса, батаҳқиқ, нажот топган бўлур»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

727. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Агар сизлар Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилганингизда, оч кетиб тўқ қайтадиган қушдек ризқланган бўлур эдингиз»**, дедилар».

Термизий, Ибн Можа, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.